


Бисмиллахи рохманир рохийм

Улуг тангримиз — Оллохга чексиз шукрлар бўлсинким, якин бир ярим аср давомида озодликнинг хаётбахш шарбатига чанкок Туркистон ахлининг кўпчилигига хуррият насиб бўлди. Бунинг шарофатидан шонли тарихимизни сохталиқнинг ўлакса кобикларидан тозалай бошладик, маънавиятимизни яхши ниятлар-ла тафтиш килмоқдамиз, улугларимиз меросидан чин инсоний кадриятларни уларга амал килиш учун изламоқдамиз. Бу саъй-харакатлардан олинажак натижалар маънавий камолотни хох онгли, хох онгсиз равишда моддий ривожланишдан олийрок деб тушуниб келган бизнинг ихлосли халкимиз учун хаво ва сувдек зарур, шу бугунда. Шеърий меросидан намуналар берилётган муаллиф— Алихонтўра Соғуний фаолияти ва ижоди билан танишув ҳам мазкур фикрга айнан далил бўлади, иншооллох! «Хар ишга охирида баҳо берилур. Барча ишнинг асоси туганчисидир», деган ҳадиси шарифнинг ҳақлигига тасдиқан отамиз раҳматли ҳақида халкимиз даставвал ул кишининг ижодий меҳнатлари самаралари билан Таниша туриб, тасаввур ҳосил кила бошлади. Ваҳоланки, таржимаси чуқур комусий билим ва игна билан кудук казишдек беадад сабрни талаб килувчи Амир Темур Тарагай Баходир ўгли каламига мансуб «Темур тузуклари», Аҳмад Донишнинг «Наводир-ул вакое», Дарвешали Сангийнинг «Мусика рисоласи» асарларининг ўзбекчага, ўгирилиши она Туркистон фозила маданиятини саклаб қолиш йўлида холис бажарилган улкан хизматнинг дебочаси эди. Улардан баҳраманд бўла олганлар, ушбу ишни энг олий мақомда бажарувчи фақат кучли алломагина эмас, балки забардаст тарихий шахс эканлигини пайкай бошладилар. Бундай мушоҳадаларни қандайдир сирли килиб кўяётган сабаблардан бири яна шунда эдики, муаллиф тўғрисида эл орасида бир томондан «комил диний олим», «маршал ота», «хитойлик генерал», «уйгурларнинг хибс килинган подшоси» деган, иккинчи томондан «советлар душмани», «панисломист, пантуркист», «сиёсий кочок», «Сталиннинг яқини», «КГБ билан ҳамкор», «ўзбек совет разведкачиси» каби овозалар юрарди. Ҳукумат идораларида масъул бўлиб ишлаб юрганлар эса Алихонтўра ҳақида, одатда, сукут саклардилар.



Алихонтўра фаолияти ҳақида АКШ, Туркия, Хитой, Русия каби турли мамлакатларда чоп этилган илмий-тарихий асарларда анча маълумотлар келтирилган. Улар, бизнинг билишимизча, йирик камчиликлардан холи эмас. Хакконий ва холисона мақолалар сўнгги 1-2 йил ичида Ўрта Осиё жумҳуриятлари, хусусан, Ўзбекистон вақтли матбуотида эълон қилина бошлади. Афсуски, уларда ҳам қатор ноаниқликларга йўл қўйилди. «Тарих ҳақида қогоз қоралаганда, илм одобига кўра бир огиз сўз ҳам ортикча кўшмаслик ё

камайтмаслик фарз», деган отамиз кўрсатмаларига риоя айлаб ҳамда кайд этилган кусурларни бартараф этишни ҳам кўзда тутиб, куйидагиларни маълум килишга киришдим. Умид киламанки, бул — отамиз хакида шу кунгача бизда эълон килинган таржимаи холий маколаларнинг тўликроги бўлажак.

Тарихдан маълумки, 1881 йили Туркменистондаги Кўк калъа истехкомини конли жанглардан кейин чор кўшинлари ишгол килдилар ва бу билан чорак аср, балки ундан ҳам кўп, сурункали боскинчилик урушларидан сўнг бутун Туркистон мустамлакага айлантирилди. Ватанимиз ўз эркидан ажраб, куллик зулматига чўмган худди шу давр-да Киргизистондаги Тўкмок шахрида наврўз куни ўзбек оиласида иккинчи ўгил — менинг отам Алихонтўра таваллуд топдилар. Оналарининг исми — Норбуви, афсус, улар хакида билганларим хозирча жуда оз.

Оталари Шокирхонтўра асли андижонлик, накшбандия сулукига мансуб диний олим бўлиб, Шокирхўжа эшон номи билан ҳам машхур эдилар. Катта бувамиз Мухаммадхўжа, уларнинг оталари Мирниёзхўжа ва шу йўсинда йигирма нечанчи бувамиз Килич Бурхон эканлар, буларнинг макбаралари хозир ҳам Ўзган шахрида кад кўтариб турибди.

Икки огиз сўз Тўкмок шахри хакида. Ушбу кент кадимий турк бешикларидан хисобланган, корахонийлар даврида пойтахт бўлган мўътабар Боласогун шахри калмоқлар билан Тенгсиз курашда хароб бўлгач, унинг шундок ёнгинадида барпо бўлди. Гўё бевакт вафот килган онаси тепасида кайгуга чўмган хассакаш фарзанд каби, Отам ўз шахарларининг ўтмишдаги ноёб ва шонли тарихини чуқур билган холда, жуда эъзозлардилар ва унинг табаррук номини кейинчалик ўзларига тахаллус килгандилар. Совет шаркшунос олимларлари «Боласогун борми ё йўкми?» деб тортишиб-юрган йил-ларда отамиз бизларни ўз она шахарларининг харобаларига олиб борганлар, у ерларни кезганмиз, 70 минг киши шахид бўлган экан, уларнинг муборак конлари тўкилган ерларда тиз чўкиб ўтириб, куръон тиловат килиб, бахшида килганмиз. Кези келганда, шуни айтиб колмокчиманки, биз ўзбеклар, яъни, ўзбек турклари 1924 йилда белгилаб берилган «истон»лар чегараларидагина яшаб келмаганмиз, балки бутун Урта Осиё кенгликлари ва ундан ташкарида жавлон урган, улуглик шан-шавкатидан бахраманд бир халкмиз. Агар санай бошласам, бизнинг хозирги жумхуриятимиздан сиртда бўлган тарихий шахар — кентларимиз ичкаридагилардан кўп бўлса кўпки, оз эмас, машхурлиги ҳам кам эмас. Ўзидан Тўкмокни нишон килиб колдирган Боласогун ҳам Тароз (Авлиё ота), Туркистон, Фороб, Хўжанд, Хирот, Сайрам (Сарём) каби ана шундай турклик масканларидан. эди. Отамизнинг болалик ва ўсмирлик йиллари... Бунинг баёнини бир лирик чекиниш рухида бошлаш истаги тугилди, зеро ўқувчиларга бу маъкул бўлажак. Тасаввур килайлик, ўтган аср охиридаги сахни кенг, бог-рогли ўзбек ховлиси. Ер тандирга ўт каланган, бувимиз нон ёпиш тараддудида, беш яшар ўгиллари — Алихонтўра она атрофида уймалашиб юрибди. Она бир зум уйга кириб чиккунча гўдак йўколади. Бирданига томирда конни тўхтатадиган фарёд эшитилди:— «Вой дод, бола нобуд бўлди, куйди!» Оёк яланг югуриб чиккан Шокирхонтўра ер тандир томон отилди. Кўзига гўё туш аралаш кизиган тандир ичида, чўг устида типирчилаб турган, гужанак бўлиб олган фарзанди кўринади. Тортиб оладилар. Хох ишонинг, хох ишонманг — бола соппа-сог, куйганликдан деяряи асорат йўк эди. Вокеага шохид бўлган оксоколлар дедиларки:— «Каромат содир бўлди, иншооллох! Бу ўгил ўтда куймас, сувда чўкмас Ватан ўглони бўлажак, гариб динимизга кувват бергусидир!»

Орадан бир йилча ўтганда бўлган яна бир воқеа: Курбон хайит байрами кунлари эди. Бир тўп болалар кувонишиб, шовкин-сурон солишиб масжид ёнидан ўтиб борардилар. Гурухдан биргина бола ажраб, масжид дарвозаси олдида такка тўхтаб қолади. Ичкаридан «хув Оллох, хув» маконида айтилаётган ҳақ таоло зикри унинг борлигини чулғаб олган, бутун вужуди билан титрарди, кўзларидан дув-дувёш оқарди. Шу ахвол-да зикр давраси томон яқинлашди. Дарвешларнинг кексаси буни кўриб турган эди, болани ердан азот кўтариб, давра ўртасига олиб кўйди. Шундагина у аста-секин ўзига келиб, норасида ингичка овози билан зикр оқимида кўшилди.

Болалиқдан ўчмас хотира бўлиб қолган бошқа бир воқеа ҳам диққатга молиқдир. Шундоқки, отамиз 10—11 ёшларида бувамиздан бир чиройли кулун ҳадя олган эканлар. Уни меҳр билан парваришлаб боқиб ювиб-тараб, ўстириб, той бўлиб қолган кезларда, бир кун болалар югуриб келиб дейдиларки:—«Алихон! Ўткинчи казак ўрислари тойингни олиб кетяптилар». Бу ўринда шуни эслатиб кетиш керакки, оқ пошшонинг эркалари ҳисобланган казаклар ўша вақтларда маҳаллий халқнинг хоҳлаган уйига кириб, истаган нарсасини тортиб олаверарди, мол-чорвасию, йилқисини ҳам хайдаб кетаверарди. Уларнинг қиличи ва ўқидан, қадтагидан омон қолган жабрланувчи эса дардини қимга айтса айтаверсин, барибир бефойда эди.

Бува-бувимизнинг «хай-хай» лаганига қарамай, бундай зулмга чидаёлмаган отамиз, бошқа отга миносилиб казакларни қувиб етадилар ва жон ҳолатда тойчонинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олдидилар. Бош-кўзлари мўматалок бўлиб, қамчи зарбидан қои шар-шар оқаётган бўлса-да, уни тойчондан ажрата олмайдилар. Охири, казаклар ҳалойик тўпланаётганини кўриб, қўл силтаганча ўлжадан воз кечиб, сўқина-сўқина жўнаб қоладилар.

Отам раҳматлидан бошқа гаройиб кечмишларни ҳам анча эшитгандим. Бирок, мазкур уч, воқеа менинг таҳлили оғизимга қўра, бир мантаний бутунликка эга. Яъни, ўша, юрт бошига қаро қунлар тушганда, она Туркистонимиз бағрида ўтда қуймас, сувда чўқмас, душманга эғилмас фарзандларидан бирини ёруғ дунёга келтирди.

Мана шундай муҳит ҳукм сурган бир даврда, Шоқирхонтўра тутқунликнинг чиркин руҳи сингиб қолмасин, ҳамда илғор исломий тарбия олишсин деган мақсадда икки ўсмир ўғиллари Олимхон ва Алихонни Макка шаҳрига олиб кетиб, у ерда ўқишга жойлаб, ўзлари ҳам муайян муддат туриб, қайтиб келадилар. Таҳсил йиллари сермахсул бўлади. Ўша вақтлари икки ҳарамдаги ўқув юртлари мударрисларининг ақсарияти туркистонликлар бўлиб, оталаримиз мусофирликдан қўп ҳам азият кўрмаганлар. Ўрни келганда, айтиб ўтиш керакки, ватандошларимиз асрлар давомида бутун араб оламига билим бериб келганлар ва шу муборақ анъана ҳозирги қунгача давом этиб келмоқда. Бу қабил улуғ даражада ислом маърифатини тараккий эттириб, жаҳон маданиятига муттасил ҳисса қўшиб келаётган эканмиз, бундан ҳақли равишда фахрланмоғимиз лозим. Падари бузрукворимиз тугма илм ошиги бўлганликларидан икки ҳарамдаги талабалик йилларида араб, форс, турк тилларини фасоҳат ва балогат даражасида эгаллаб олдидилар. Илоҳиёт илмларидан тафсири, ҳадиси ҳамда фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), мантик соҳаларида таълим олдидилар. Сиёсат ва ҳарбий илмга қизиқиш ҳам ўша даврларда қамолига етган бўлиши керакки, дадамлар бўш бўлди дегунча усмонли турк ҳарбий қисмлари жойлашган қароргоҳга кетиб қолаверар эканлар, баъзан эртадан — кечгача аскарларнинг кўрик, ҳарбий машқлар, тўп, аслаҳа-қуролларга маҳлиё бўлиб қолиб кетар

эканлар...

Арабистондаги тахсил маълум даражага етгач, бувамиз ташаббуси билан шу икки ўгиллари ўқишни Бухаронинг, амир Олимхон мадрасасида давом эттиришади. Илмга муносабат жиддийлигини шундан ҳам билиш мумкинки, узр йиллар Ватанни кўрмаган икки ўгил уйга туширилмаёк Тошкентдан Бухорои шарифга олиб кетилади. Бу ерда юкорида кайд этилган билимлар билан бир каторда отам шеърият, мусика, жугрофия, хандаса, фалакиёт, тарих, табобат илмларини кунт билан ўргандилар. Талабалик йилларининг серунум бўлганлигининг сабаблари устида тўхталсак, биринчи мусаббиб, албатта, Оллох бўлса, кейинчилари, бу ота-онанинг ўз фарзандларини Куръони каримнинг "Илм олиш хар бир мусулмон ва муслима учун фарз", кўрсатмасига астойдил амал килган холда, билимга жиддий рағбатлантириш ҳамда бунинг самарали натижаси ўларок, отамизнинг ўзларигагина хосмутоала услуби ва саъй-харакатларидир. Олиган тахсилни фақат сахарлаб такрор машқ килиш, дарс тайрлаётган вақтда коринни тўйдириб олмаслик, кийин мавзуларни ўзлаштиришда юкори савияли талабалар билан муҳокама ва мунозара килиб хақиқатни аниқлаш, мударрисларга уларнинг маънавий поклиги, билимининг чуқурлиги ва ўқитишда холйслигига караб баҳо бериш, домлалар-га содиклик, бир сабоқни тўлигича тушунмай кейингисига ўтмаслик ва шу каби талаблар, дадамнинг ўз сўзларича, мазкур услубнинг коидаларидан эди. Вахоланки, фақат Шокирхонтўрамгина эмас, балки аксарият Туркистон ахли ўша вақтда зиёсидан умид килган Бухорои шарифда таълим-тарбия ишлари ўз замонасига кўра жуда ортда эди. Бу ҳақда ўз хотираларида шу мазмунда гаплар бор:

«XX аср бошида Бухорода амир тузуми чириб колган бўлиб, ўқув-ўқитув иши ўрта асрлардагидек эди. Икки юздан ортик мадрасада дунёвий фанлардан сабоқ бериш йўлга кўйилмаганди. Бу соҳалардаги мударрислар ўз уйларида бекитикча хусусий дарслар бериб, бошқа касб-корлар билан тирикчилик килишга мажбур эдилар.

Петербургдаги амирнинг хомийларини худди шундай ахвол кониктирарди.

Мадрасаларда хужра сотиб олиб, номигагина муллавачча бўлиш маишат килишнинг бир турига айланганди. Не-не лаёкатли Ватан болалари ўзларининг бебаҳо умрларини зах ва коронгу хужраларда сермашаккат араб ва форс тилларини ўрганишгагина сарфлаб зое кеткизардилар, чунки, барча ўқув кўлланмаларимиз шу икки тилда ёзилганди. Асосий билимлар қолиб кетиб, кўпчилик талабалар фикх фанидан амал-такал килиб тахсил олардиларки, бу бечораларнинг сўнгги максоди кози бўлиш ва шу орқали осонгина тирикчилик килиш эди. Биз билан мадрасадош Садриддин Айний ҳам «абдий талабалар»дан бўлиб, ўқишдан хафсаласи пир бўлган-ди, бой муллаваччаларга хизматчи хужрадош эди. Оғзидан папирос тушмас, соғлигини йўқотган, бўш колди дегунча шахматдан нари кетмасди...

Ўзим ҳам шўлар каби чаламулла бўлиб колмаслик учун мадраса сабоқларини тўла ўзлаштириш билан бир каторда бошқа фанлардан етук хисобланган мударрисларни топиб, ҳақ тўлаб, хусусий дарслар олдим. Расмий ва норасмий равишда ман этилган адабиётларни, мутоала килдим, турк ва татар газет-жўрналларини кўймай ўқиб бордим. Шунин билдим ва иқрор килдимки, хақиқий олим бўлиш учун бешиқдан то лаҳадгача бўлган давр ичида тинмай ўқимок, ўқимок, ўз устида ишламоқ лозимдир».

Хуллас, асримизнинг ўнинчи йиллари бошида икки ака-ука Бухорода тахсилни ниҳоясига етказиб, устозларидан оқ фотиҳа оладилар. Отамиз, ўрганган билимларидан бирини амалий мутахассислик даражасига етказгандилар, у ҳам бўлса машҳур шарқ табобати

эди.

Баёнимизнинг шу кисмини юкорида кайд этилганлар билан чегараласак, Алихонтўра талабалик йилларида атрофидаги воқеликдан ажралиб, факат илм ўрганишга шўнгиб кетган эканлар-да, деган бир кадар нокис хулосага келиш мумкин. Шунинг учун яна илова килардимки, мазкур давр ичида отам ёш бўлсалар-да, гайратли ижтимоий арбоб бўлиб етишиб колгандилар. Масалан, ул кишининг шахсий намунаси ва ташаббуси билан муллаваччаларнинг мударрислар билан муомаласи жиддий яхшиланиб, кўпчилик мадрасалардаги ўзаро локайд муносабатлар ижобий томонга ўзгара бошлади. Бунга эса бир воқеа туртки бўлганди. Хар кунги, одатдаги сабоклар тугаш сўнгида талабалардан бирови етук мударрислардан бирини (ул киши йўк пайтда) кўпчилик ичида жисмоний нуксонини пеш килиб «занжий» (негр, кора) деб мазах килади, хакоратлай бошлайди. Отамиз буни тийиб кўймокчи бўладилар. Ўртада каттик муштлашув чикиб, иккала муллавачча конга беланиб, улар холатга етсалар хам ташлашаверадилар. Уларни ажратишади. Тўполонни эшитиб, бош мударрис яна кайта келади, шогирдлари жим турган холда унинг танбехини эштадилар. Нима сабабдан уруш чикканини муллаваччалардан бири «гуллаб» кўйгач, ул кишида бир ўзгариш содир бўлади. Турган жойларида тиз чўкиб, мўматалоги чикиб кетган шогирди олдида хамминг олдида тиззасида юриб келиб, унинг кўлларидан ўпади. Кўзларида шашкатор ёш, бўгик овоз-ла, нидо килади: «Алихон, буюк олим бўлгусисен! «Кора бўлса хам севикли устозим», деб, мен учун уришибсен. Мен сенинг устознинг эмас, мен сенинг кора кулингман!» Устоз, шогирд йиглашган, тўпланганлар барчаси йиглаб дуога кўл кўтаришган. Шу кундан эътиборан мадрасада мухит соғломлаша боради...

Бундан ташкари отамиз Бухородаги барча сунний мазхабдаги талабаларнинг тан олинган жасур етакчиларидан хам эканлар. Уша вақтлар амир аъёнлари доираларидан бошлаб ахли Бухорога ёйилаёзган шиаликка кескин равишда бархам беришда муллаваччаларнинг чикишлари хал килувчи роль ўйнаган бўлиб, отм рахматли бу харакатнинг энг олдинги, хаётга хатарли сафларида бўлгандилар. Бирок, кўп ўтмаёк, мазхабчилик курашлари мусулмонларни асосий душман олдида заифлаштиришини англаб, бу борадаги зиддиятлар кундалик сиёсий ахвол талаблари олдида учинчи-туртинчи даражадаги масалалардан деб хисоблай бошладилар ва мусулмонлар бирлигини хаммадан юкори кўя бошладилар. Мавжуд сиёсий оқим ва партиялар дастурларини синчковлик билан ўрганган бўлсалар-да, биронта-бир фирка ёки сиёсий ташкилотга аъзо бўлишдан ўзларини тийдилар. Еврупопарастликнинг онгли ракиби бўлганликдан, умуман гарб социал-демократиясини ва бунинг бўлшевистик рус шаклини энг зарарли, Туркистон учун етти ёт бегона хисоблардилар.

Она шахарлари Тўқмоқка кайтиб келгач, кенг диний маърифатчилик фаолияти билан холисона шугулланадилар. Тирикчиликни эса халол отамерос касб — дехкончилик хамда табибчилик билан тебратиб турадилар.

Бу орада биринчи жахон уруши бошланиб, чор маъмурияти махаллий аҳолини фронт ортида (ёки фронтнинг ўзида) ишлатиш учун мардикорликка сафарбар кила бошлайди. Мана бу сиёсатга катъий равишда ва очикдан-очик карши чикиб, аҳолини оммавий тарзда бўйсунмасликка, ўз фарзандларини мардикорликка бермасликка чакирадилар. Шу бахона бўлиб, чор махфий полицияси тазйик чораларини кўра бошлади, бирок халк оммаси газабидан чўчиб, отамизга зарар келтиролмади, ўшанда.

1916 йили эса Туркистонда ок подшо зулмига карши катор халк кўзголонлари бўлди. Отам киргизларнинг куролли чиқишларида фаол катнашдилар ва улар шафкатсизларча бостирилгач, Кошгарга сиёсий кочкин сифатида кетишга мажбур бўлдилар. 1917 иилги Ўктябрь тўнтаришидан сўнг, шўролар бутун дунёга жар солиб хурриятлар хакида берган ваъдаларидан умидвор холда, ватанга кайтдилар. Аммо, кўп вақт ўтмаёқ реал воқелик бутунлай бошқача бўлиб чиқади. Синфий кураш таълимотини амалдаги кўриниши бўлган кизил террор (дахшат солиш) натижасида махаллий аҳолининг ёппасига киргин килиниши, диний ва умуман ўқимишли арбобларнинг муттасил равишда йўқотилиши, сунъий очарчилик вужудга келтириб аҳолини иктисодий тамондан янги ҳокимиятнинг ҳуқуқсиз кулларига айлантирилиши ва шу каби мудҳиш тадбирларни кўрган ва энг асосийси, аксарият халқдан фарқли ўларок, буни чуқур тушунган отамиз, ўз-ўзидан советларнинг табиий душманига айланадилар. Мана ўша даврларда кечмиш-кечинмаларини хотирлаб ёзган эсдаликларидан кичик лавҳа:

«1919 йил охирида Пишқакка қарашли Қораболта, Оксу бўлиб, ўн саккиз рус қишлоқлари бирлашган холда коммунистларга қарши кўзгўллон қўтаришди. Бойликка ботиб ётган Пишқак, Сўкулук дунганлари ҳам тушунмасликдан бу ишга қўшилиб қолдилар. Натижада тортқилик бутунлай улар устларига тушиб, энг оғир зарбалик қалтаклар бошларида ушатилади. Шундоқки, беш юз уйликка етмаган Пишқак, Сўкулук дунганларидан саккиз юз кишини ҳайдаб келиб, бозор ўртасида пулемётга тутдилар. Булар ичидан ўқ тегмай қолган ёки ярадор бўлиб жони қикмай турганларини кизил аскарлар оралиб юриб, найзалаб ўлдирдилар. Кўзголончилар маркази бўлган — беш минг қамали аҳолиси бор Оксу қишлоғи русларидан эса, илгари-кейин бўлиб, ўлим қазоси кўрганлари ўттиздан ошмаган эди.

Сўкулук дунганларининг тузларини тотиб, яхшиликларини қўп кўрган эдим. Уларнинг ичида ишонқилик шогирдларим ва дўстларим қўп эди. Бундай вақтларда, бориш қатарлик бўлса ҳам, қидаб туролмай, ўқ-тўрт шогирдларим билан бир арава қиши бўлиб, Сўкулук тамонга йўл тортдим, яқинлашиб борган сайин бундаги кўз кўрган қўнғилсиз, нарсаларни тил сўзлаб, қалам ёзиб қидаёлмайди. Махалла қўчасидан ўтаётганимизда, йўл бўйлаб алан-булан қолдиқлари, сочилиб ётган нарсалар, қуйдирилиб ёндирилган иморатлар ичида вайрон, талқони қикиб ётган томлари кўзга.... эди. Буларни кўргач кўз ёшимиз қуримасдан шу юрганимизча, мазлумлар қонлари билан бўялган Сўкулук қишлоғига қирдик. Бу воқеа ўтиб, ортидангина борганлигимиз ўчун муқулмонлар отилган-қопилган қўчалардаги қонлар тозаланган бўлса ҳам, бошқа белгилари йўқолмаган эди. Сокқи қишилари бизни бошқа ёқдан қелганимизни кўргач, олдимиздан тўсиб, идораларига бошладилар. Улганларнинг хотин-қиз, етим болаларига аталган бир қанча буюм, қийим бошларни қўрсатиб, ёрдам ўчун қелганимизни билдирдик. Сўнгра йўл қатларимизни текшириб, бизга руқсат берган бўлсалар ҳам, яна орамизда ишонмаслик қайдо бўлиб, анчагина. сўз ўтмиш эди, маълумдирки, маққумиятда эзилган, қуролсиз, дудук йиллар, қолибият зулми билан қурурланиб турган, қар бирининг тумшугидан, тўнғиз қурти тушган қуроллик шақдам йиллар олдида нима дея олардилар?

Интизомлик аскарларга, қуролли қучга, тили бўлак қини бўлак бир йигинди, қўли қуруқ қишидар қандай қарши турсинлар? Табиат оламига Илохий томонидан юборилган улуг қайғамбарлар ҳам шу табиат қонунига бўйсунмасдан бошқа ҳеч қоралари йуқдир.

Уруш қанларининг қонуни бўйича аскарнинг қон-қалмоқлари, қурол-қабдуқ ва аскарий интизомлари энг бўлмаганда душманниқидан тубан ва оз бўлмаслиги биринчи шартдир.

Агар шу шароит кўлга келар экан, у холда диний, миллий ҳақоратга бўйсунмасдан душманга карши курулган кўл сунуш, албатта, фарз бўлур. Бундай бўлмаган тақдирда, ўзини ўтга ўринсиз уришдан сақланиб, вақтинча сабр қилишдан бошқа чора йўқдир.

Шу билан голиб душман олдидан қандайдир қутулиб чиққанимиздан сўнгра ёрдамга келтирган оздир-кўпдир. нарсаларимизни таркатдик. Ўлганлар оилаларига кўз ёшимиз билан Куръон ўқиб, кўнгил айтдик. Бу фойдасиз фитнада менинг ўз шогирдларимдан йигирмадан ортиқ киши шахид бўлмиш эдилар. Улардан энг катталарининг ёши ўттиздан ошмаган эди...» Табиийки, ўлка халқлари номидан ҳоким бўлиб олганларнинг қаҳрли назари тез орада отамизга ҳам тушди. «Қора рўйхат»га олинганлари маълум бўлиб қолган, яқин дўстлари ва маҳалла ахлининг маслаҳати билан яна Қошқорга хижрат қилишга тўғри келди. Тахминан бир йилдан сўнг қайтиб келдилар. Бунинг сабабини тушунтириб ўзлари шундай ёзадилар: «Энди бу ерда қанча турган бўлсам, менга ҳамкор бўлгудек, келажак учун қайгурган бир киши бўлсин, кўра олмадим. Афғонистон, Хиндистон чегаралари бўшлиғидан фойдаланиб у томонларга ўтишимни ўйлаган бўлсам ҳам, ёлғиз бош қайғусида, бола-чақалардан ажраб, суюкли ватанимни душман қўлига ташлаб кетишни ўзимга лойиқ топмадим. Шуни билмак керакким, Куръоннинг ҳукмига, Расулларнинг йўлига яхши тушунмай динга хиёнат қилган, икки дунёсидан ажраб ўз ватанида хорлик билан яшаган ёлғон мусулмонлардан илм-фан, маданиятни ўзлаштириб, бутун ҳуқуқларига эга бўлган қофирлар, албатта, ортиқдур. Бу кун Уйғуристонни қоплаган онгсизлик офатини кўргач, у ердан умидим узилиб, ночор, янғидан ўт лляётган фитна ўчрғи ичидаги ўз юртим Тўқмоққа қайтиб келдим. Қарасам, соясидан кўрққан қуёндек ҳар ерда қочиб-писиб юриб кун кўраётган ҳақсиз қишлоқлар ҳам оз эмас эканлар. Шулар қатори мен ҳам шаҳардан четроқ Шўртепа деган дунганлар қишлоғида туриб, дехқончилик билан кун кечирмоқчи бўлдим».

Бирок, анча қучланиб олган шўролар (Қирғизистонга нисбатан аниқроғи, қизил бўлиб олган ўрислар) ҳокимияти остида аҳоли турмушининг муттасил тубанлашиб, аянчли, холга келиши отамизни яна тенгсиз ва хатгарли қурашув гирдобига тортиди. Бу борадаги фаолиятларининг менга асосан икки йўналиши маълум. Биринчиси — Қогозда бўлса ҳам тан олинган виждон эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланиб, Исломи дини ва маданиятини давлат сиёсати мақомидаги жанговор атеизм деб аталган ёввойи даҳрийликнинг, сурбетларча ҳуруждан ҳимоя этиш эди. Буни амалга ошириш учун нақшбандийлик сулуқи талабаларидан вақтинча истисно қилиб, халқ талабига биноан Тўқмоқ қатта масжидига имом бўлиб ўтадилар ва кўп машаққат, тазйиқларга қарамай қатта ҳудудда Исломи таъсирининг қучайишига эришадилар. Айни пайтда, Расули ақрам кўрсатмаларига оғишмай риоя қилган холда ўз даврларидаги ижтимоий аҳволни синчковлик билан таҳлил қила бориб ҳамда минбар имкониятларидан яхши фойдаланиб аҳоли сиёсий онгини ёритиш йўлида тинмай саъй-ҳаракатда бўлдилар. Ҳусусан, Қўқон мухторияти тузилиши ва унинг бўлшевиклар томонидан зўравонларча йўқ қилиниши, босмачилик деб аталиб қолган халқ қурулғу ҳаракати ҳақида тарихий фактлар билан далилланган ёзма хотиралари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Отамиз фикрларича, кўзғолончиларда, афсуски, мустақиллик қурашишининг аниқ режаси бўлмаган, йўлбошчилар ақсариятининг сиёсий савияси қуйи эди ва бунинг натижаси ўларок озодлик ҳаракатида бирлик-жипслик мавжуд эмасди. Оқибатда советлар ўз қўлимиз билан ўзимизга қишан урдиришга эришганлар.

Отамизнинг кайд этилаётган даврдаги фаолиятлари, факат дин химоясига каратилган хар калай очик бажарилган ишлар билан чегараланиб колмаган, албатта. Мархум Азизапошша опам менга сўзлаб бергандиларки, отамиз касимовчилар харакати деб номланган ватанпарварларнинг яширин фаолиятида хам катнашиб, ушбу ташкилотнинг Пишкак, Тўкмок томонлардаги вакили бўлган эканлар. Мен мазкур харакат расмий адабиётда аксилинкилобий деб бахоланишини ва чекистлар томонидан тор-мор этилган деб кайд килинганлигини билганимдан хамда отамнинг бу ташкилот доирасида олиб борган ишларидан етарли маълумотим йўқдигидан, бу ўринда тахминий сўзлар билан ортикча когоз коралашни эп кўрмадим. Факат таъкидламокчи эдимки, отамиз мустакиллик учун-кураш деганда, аник максадли яхши ташкил этилган, муайян интизомли ва жонфидолик рухи билан сугррилган харакатни тушунганлар ва бунинг имкрнияти бўлар экан, хеч вакт четда сукут саклаб караб турмаганлар.

Ўттизинчи йилга келиб олтинчи марта хибсга олинадилар. Авваллари киска муддатли бўлса хам, бу сўнггиси ўн йиллик камокка хукм билан тугайди. Ўша вактларда. Соловки, Архангельск томонлардаги борса-келмас хибсхоналарга жўнатишдан аввал хукм этилганлар Тошкент чеккасидаги концентрацион лагерга тикилар экан. Ана шу йўналишда этап килинишларига санокли кунлар колганда, Оллох, ёрдами бўлгайким,, Пишкак турмасидан кочишга муваффақ бўладилар. Яшириниб юриб, кўп азоб-машаккатлар чеккан холда, яна чегарадан Шаркий Туркстон (Уйгуристон)га ўтиб кетадилар. Хитой давлатига карашли бу ўлканинг Гулжа шахрида туриб, маълум вакт ўтгач, яна дўстлар ёрдамида катта пул эвазига оилаларини хам чакиртириб оладилар. Асл ният шунча азоблардан кейин, Туркистондан, умуман, Арабистон томонларга кетиш бўлса-да, бу ердаги сиёсий ахвол ёмонлашиб, чегара йўллари така-так бекилганликдан тургун бўлиб колишга тўгри келди. Гап шундаки, ўшал вактдаги СССР рахбарлари жахон пролетар инкилрбини орзу килибгина колмай, балки уни сунъий равишда бошка мамлаккатларда келтириб чикариш сиёсатини амалда кўллардилар. Майдони Ўзбекистондан камида икки баравар катта Шаркий Туркистон Хитойнинг чекка, советларга кўшни гарбий ўлкаси ўларок, ушбу сиёсат синалаётган, тажриба майдонга айланганди. Ерли хукумат марказни гафлатда колдирган холда, СССРда яширин ўкитиб тайёрланган ёхуд кизил мафкурада бўлган советпараст кимсалар кўлига ўтиб колганди. Бу ернинг барча дўкон ва бозорлари арзон ва асл совет моллари билан лик тўлдирилган, хамма жойда СССРдаги мисли жаннат каби хаёт тарзи хакида ташвикот кучайганди. Айни шу вактда эса, жахондаги биринчи пролетар давлатида кахатчилик ва очарчилик бўлиб турганди.

Нима бўлсада, отамиз тез орада илмига амал килувчи алломалиги, халоллиги, жасур инсон ва хожатбарор шифокор — табиблиги туфайли кўпчилик ўргасида обрў-эътибор козона олдилар. Айникса, ўзбекларга якинликда тенги йўк кардош уйгур халки ўзининг чин ихлосини дариг тутмади, балки бошларига кўтарди. Дадамнинг мавкелари, хусусан, барча мусулмонлар ва бошка миллатлар ўртасида, хам ўзаро ишонч ва хамжи-хатликни мустахамлашда кўрсатган фидокорликлари натижасида жуда хам кучайиб кетди. Шу макомга етишгач, омма олдидаги чикишларида хуррият учун курашга кўтарилиш гоеларини очик таргиб кила бошладилар. Худди шу сабабли дадамлар. 1937 йили Уйгуристонда диктатор бўлиб олган, аслида советларнинг кўгирчоги, авантюрист хитой генерали Шэн Шицай томонидан хибсга олинаиб, судсиз — хукмсиз умрбод камокка

ташланадилар. Оилага катта зулм, килиниб, уй-жой мусодара бўлади. Муштарийларни «1937 йил» санаси сергаклантирди-ёв! Ха-да, иникилобни экспорт килиш биринчи навбатда кизил террорни йўналтириш оркали бошланган. Репрессия аппарати шундай яхши ишлардики, Шаркий Туркистондаги шогирдларига Масковдаги ГПУ (Главное политическое управление, яъни, Бош сиёсий бошкарма, чекистлар идорасининг ўша вақтдаги номи) отилиши-чопилиши лозим бўлган «Халк душманлари»нинг рўйхатини тайёрлаб бериб, уни ижро килишнинг намуналарини жойларга бориб кўрсатганлар. Ана шу, тизимда факат Гулжа шахри бўйича икки юздан ортик бахти каро совет Туркистрнидан кочкин мухожирлар бўлган. Бир кечада хаммалари хибсга олиниб, рўйхатга солиштирилса бир одам етишмаган. У хам бўлса бизнинг отамиз бўлиб, бу жаллодлар келишидан бир неча дақиқа аввал, катта акам Асилхон сабаб бўлиб уйдан ич кийимда кочган эканлар. Бутун ўлка бўйлаб кидирув эълон килиниб, маълум вақтдан сўнг чекка. бир шахарчада айгокчилар томонидан қўлга олинадилар. Шунда хам камокка кела келгунларича, йўл-йўлакай оркаларидан тўпнонча ва милтик тираб келтиришган экан. Бир чинакам туриш-килган ўзбек ўғлонидан душманларнинг чўчишини каранг!

Хулласи калом, 1941 йил ўзини унча-мунча ўнглаёзган марказий-хитой ҳукумати томонидан ўтказилган адлиявий тафтишлар натижасида отамиз турмадан чикиб келадилар. Халойик уларни пўлат иродали кахрамон сифатида кутиб олади, чунки отамиз хуррият учун кураш йўлидан заррача чекинмагандилар.

Бу вақтга келиб, СССР хаёт-мамот уруши билан банд, ўлкада иктисодий ва сиёсий инкироз, Шэн Шицай маъмурияти зил кетган, халк жунбушга келиб, куролли-чикишлар бўлиб турган эди. Отамиз тарафдорларини махфий «Озоддик жамияти» теварагида тўплаб, ватанпарварларнинг харакат бирлигига эришадилар. Ушбу жамият раҳбарлик килган. 1944 йил 7-10 ноябрь куролли кўзголови натижасида Гулжа шахри озод килинади. Икки кун ўтиб Шеркий Туркистон Ислон жумҳурияти барпо этилганлиги тантаиали эълон килинди. Отамиз ўн икки вазирликдан иборат инкилобий ҳукумат ранслигига яқдиллик билан сайланадилар.

Энди, совет ҳукуматининг хам муносабати ўзгарганди Шеркий чегараларига ўша огир даврда чанкайшичи хитойлар: томонидан хавф тугулиб колмаслиги учун янги барпо бўлган мусулмон давлатини бекитикча қўллаб туриш сиёсатига ўтдилар. Жумхур раис ўларок, дадамлар етук ижтимоий ва давлат арбоби сифатида иш юргиздилар. Ул киши бошчилигидаги том маънодаги миллий ҳукумат киска вақт ичида мустикалликдан умидвор халк манфаатларига мос бўлган йирик тадбирларни амалга оширди. Ирк, миллат, жинс, эътикоддан катъи- назар хар бир кишига эркинликлар берилиши, ижтимоий ташкилотлар тузилиши, ахolidан олинadиган солиқларнинг икки баравар кискартирилиши, собик хоким миллат вакиллари иктисодий негизининг тугатилиши шулар жумласидандир.

Отамиз 1945 йил 8 апрелда барпо килинган Шеркий Туркистон миллий армиясининг бош ташаббускори эдилар. Демак, Гулжа кўзголонидан беш ой ўтиб, таркок, оломон партизан тўплари асосида мунтазам армия тузилишига эришилди. Халкнинг миллий озодлик руҳи ўз раислариники каби юкори эдики, оммавий сафарбарлик эълон килинган куннинг

эртасига якин юз минг киши аскарликка ёзилишга хозирланиб келдилар. Буларнинг кўпчилиги отлик бўлиб, ўруш жамолгасини кўриб келгандилар. Курол-аслаха Ўзбекистон, Козогистон оркали ярим яширин холда СССРнинг тегишли идораларидан нақд олтинга ва молга-мол тарзида сотиб олина бошлади. Хитой кўшинлари билан дастлабки жанглардан сўнг кўплаб туша бошлаган харбий ўлжалар эвазига навкирон миллий армияни куроллантириш муаммоси ҳам анча енгиллашди, Ушбу инкилобий кўшин ўз ичидан Гани ботир (уйгур), Фотик ботир (тотор), Усмон-ботир, Акбар ботир (иккови ҳам козок), генерал Палинов (ўрис) каби катор довурак, жасур ва мохир аскарбошиларни етиштириб чиқди, разиялоху анху.

Алангали Кўзголонлар даврида ва музаффариятни мустахкамлашда харбий истеъдодлари тан олинган отамиз жумхурият куролли кучларининг суянган тоғи бўлиб, миллий армия жанговар кобилиятини, айникса, маънавий руҳини кўтаришда жонбозлик кўрсатдилар. Бевосита иштирокларида тузилган харбий операция режалари муваффақиятли бажариларди. Бу ўринда отамизнинг яна бир ноёб хусусиятларини зикр этиб ўтмоқлик лозимки, ул киши ўз даврларининг мисли кўрилмаган нотикларидан эди. Араб, форс, туркий тилларининг хар бир шеваю лахжасида булбул каби фиғон-нола кила олардилар ёки арслон каби наъра торта олардилар. Айникса, она тилларининг хали биз тагига етолмаган беадад имкониятларидан фойдаланиб шундайин силлик услубда сўзлар эканларки, миллатидан катъи назар, бир оз туркийдан хабари бор тингловчи бемалол тўшунаверар экан. Ўша суронли давр воқеаларининг кўпгина шохидлари, жумладан, уйгур ёзувчиси Абдукодир Зуннун шундай гапириб берганди: «Тўрам нутқларини тинглаш учун одатда кўп минглаб одамлар йигилишарди. Сўз бошлаганларида пашша учса эшитиладигандёк жимлик чўкарди. Мавзуни тингловчиларга дарровок аён килиб, уинг асл хакикатини ўз билганларича ёки ҳукумат фармонига кўра эмас, балки Куръони карим оятлари ҳамда Пайгамбаримизнинг ҳадиси шарифлари асосида исботлардилар. Яна буни ўтмиш ва янги тарихимиздан рад килиб бўлмайдиган далиллар келтириб мустахкамлардилар ва мавзуни, албатта, кундалик воқеликнинг долзарб масалаларига, жумладан, нутк мавзуига бевосита боғлардилар. Аник вазифаларга ўтиб, уларни муваффақиятли бажариш йўлларини кўрсаталардилар ва бунга тингловчиларни кўтаринки бир рух билан ишонтирардилар. Ўртада, истиклол йўлида жонбозлик килган ва килаётганларнинг шарафли номлари, албатта, кайд этилар ва эшитувчилар бундан каттик таъсирланардиларки, болаҳоналарга, дарахтларга, симёгочларга чиқиб олган тингловчилар Хиссиёт зўридан ўзларини ташлаб юборардилар».

Йигирма бир совет харбий нишонлари кавалери, ўша пайтда, Шаркий Туркистонга харбий мутахассис бўлиб борган тошкентлик Толибжон ака Обидов айтадилар: «Али-хонтўрам жаноблари жанг бошланишидан аввал аскарлар олдида нутк сўзлаганларида, йигитлар кўзларидан ўт чакнар, нутк тезрок тугасаю жангга отлансалар. Хужумга кўмонда бўлганча уларни зўрга тўхтатиб турардик. Жанговар рух ва галабага ишонч жуда кўтарилиб кетарди. Тўра отам окоп кўрган хакикий аскарбоши эдилар ва мен хавас килган томони - бундай раҳбарларнинг бахтлиси эдилар. Чунки, хар бир аскар у кишини чексиз севарди, хурматларди, хатто илохий қувват эгаси деб чинакамига ихлос кўйиб эъзозларди».

Хуллас, миллий армия шиддатли жангларда кетма-кет-галабаларга эришиб, шон-шавкатга бурканди. Жумладан, 1945 йили ушбу кўшин қисмлари сон жихатдан деярли уч баравар оз бўлишига карамай, марказий Хитой ҳукумати томонидан юборилган, яхши куруллангаи саксон минг кишилиқ армиясини бутунлай тор-мор этди. Халқ ва армия олдидаги хизматлари учун Шарқий Туркистон ҳукумати қарорига биноан отамизга маршал унвони берилди. Тез орада уларни бутун ўлка халқи «Маршал ота» деб атаётган бўлади.

Энди, Шарқий Туркистон воқеаларининг достони узун бўлганлигидан гапни мухтасар қилсак, иш шу билан тугадики, «Уч вилоят инқилоби» деб номланган отамиз раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракати Синцзянь (Шарқий Туркистоннинг хитойча номланиши, «Янги ер» демак)нинг қолган қисмида ҳам тезда қолиб бўлажигидан қўчиган Чан Кайши ҳукумати тинчлик музоқаралари олиб; боришга мажбур бўлди бироқ, воқеаларнинг бундай кетиши, яъни, бир мустақил Туркистон давлатининг қурилиб қолиши янғидан ҳокимиятга қелаётган Мао Цзе Дун коммунист ҳукумати ва буларни ўстириб юзага чиқарган, узокни қўролмаган советлар мамлакатидagi пири-устозларига ёқмади. Натижада, хоинона тузилган машъум режага қўра отамизни 1946 йил июнида аввал алдов, кейин эса қуроли тазйик остида Гулжадан олиб чиқиб кетдилар. Пинхона йўқ қилиб юбориш мўлжалланган бўлса-да, бу ишдан Худо асраб, икки йил давомида, уй назарбандиси ҳолатида сақладилар. Кейинчалик қилсак, миллий армия қисмлари қадамларнинг қайтарилишларини талаб қилишибди. Айниқса, қозоқлардан иборат қўшинлар бунда қатъийлик қўрсатганлари, Усмон ботир бошчилигида анча вақт қуроли қаршилиқ қилганлари бизга кейинроқ маълум бўлди. Отамиз руҳи ва зурриятлари номидан ўша тенгсиз қурашга қирган ва бу йўлда қурбон бўлган қахрамон қозоқбиродарларимизга қеч бўлса-да, абадий миннатдорлигимизни изҳор қиламиз, ҳурмати-ҳаққи мангу бош эгамиз.

Отамизнинг сўнги ўттиз йиллик умрлари Тошкентда ўтди. Сиёсий ишлардан; мажбурий равишда четлаштирилган бўлсалар-да, илмий; ижодий ва ижтимоий, фаолиятни собит қадамлик билан давом эттирдилар. Мақоламиз бошида қайд этилганлардан ташқари машҳур венгер шарқшуноси Хермон Вамбери асари «Бухоро ёки Моғоруннахр тарихи»ни усмонли туркчадан ўзбекчага уйғунлаштириб ўқирдилар. «Тарихи Муҳаммадия», «Туркистон қайғуси» қаби қатта асарлар яратдилар. Мазкур асарлар қандажак авлод маънавиятини таназулдан асраш, фозила маданиятимиздаги азалий қадриятларни ислом маърифати ва яқин тарих сабоқлари воситасида сақлаб қолиш йўлида қилинган улкан жиход деб қарашни тақозо этади. Яна бир ўз асарлари «Шифо-ул илал» («Қасалликлар давоси») шарқ тақобати қўп йиллик тажрибаси асосида 1987 йилда ёзилган бўлиб, қанча-қанча мусодаралардан омон қолган биз учун топиладик рисоладир. Ватан аҳли дуода бўлиб туришларидан умидвормики, бошқа илмий, ижодий мерослари қаби ушбу қитобчани ҳам қоп эттириб, халқимизга етказажамиз.

Отамиз умрларининг сўнги қунларигача устозлик фаолиятини тўхтатмадилар: Қизил мафқурага хизматқор бўлган ўшал давр қонунларининг таъқибига қарамай, инсоний жасурлик, исломий ижтиҳод, пир-устозларига берган ваъдаларига вафодорлик қўрсатиб, диний ва шунингдек, дунёвий билимлар ўқитишни йўлга қўйиб юбордилар. Шогирд танламадилар, шу учун бўлса қерак, отамизнинг қўлларида бир, вақтинч тўзида

хали харф танламаган талаба билан бир каторда, илмли ёки дунёвий фанлар номзоди доктори каби тингловчилар ҳам таълим олаверардилар. Бир универсал ўқитув услубининг сохиби эдилар. Бу харакатлари зое кетмади. Ок фотиха олган шогирдлари ўз Ватанларига (яъни, Киргизистон, Козогистон, Тожикистон, Догистон, Ўзбекистон шахар-кишлокларига) кайтгач, устозларининг ишини давом эттириб, диний, мактаблар очиб, маърифат тарката бошладилар. Шу бугунги Ўзбекистон Ислом дунёсининг етакчи намоёндалари сафида отамизнинг шогирдлари ҳақ дин тантанаси йўлида, ҳолисона, хизмат килмокдалар.

Отамиз тарихий ахамиятга эга бўлган меъморчилик обидаларимизни саклаб қолиш харакатининг жонбозларидан ҳам эдилар. Менинг ёдимда колгани шуки, 50-йиллар сўнгида ё 60-йиллар бошида, Тошкентдаги, ҳозирги янги Эскижўва бозори ўрнидаги ерда, яқин 500 йил аввал бино этилган мўътабар Хўжа Аҳрор Вали масжиди бўлиб, шуни гумроҳларча буздилар. Бу каби нохуш ишлар бошка жойларда ҳам бошланаётганидан ташвишланиб, дадамлар ахбобларидан (яқин дўстлари шундай номланарди) Каримбой ака Сахибобоевни чакириб маслаҳат солдилар. Бу зот севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг тогалари бўлиб, ҳуқуқшуносликнинг пири эдилар. Карор шу бўлдики, Масковдаги тегишли расмий идораларни хатлар билан «бомбардимон» килмок лозим. Бу тадбир гарбда ҳам қўлланилишини кейин билдим—«паперканано», яъни, «когоз билан ўкка тутиш» деган махсус атама ҳам бор экан. Бу харакат дарров натижа бермаган бўлса-да, хар калай, бор масжид, мадраса, хонакоҳ ва шу кабиларнинг навбатдаги бузиш компаниясини тўхтата олди. Ушбу, дарёдан катра каби мақолам сўнги қисмини падари-бузрукворимни оддий инсон ҳақида тавсифловчи хусусиятларига бағишласам. Шахсий ҳаётда мисли тарки дунё камтар эдилар. Тошкентга келгач, не-не қошоналар таклиф этилса-да, икки огиз хонаси бор мўъжаз бир ховлини — «кулбаи гариб» килиб ихтиёр килдилар. Биз ҳам турмуш факат шундай бўлиши керак экан деб ўсдик.

Умр бўйи советларнинг бир тийинини ҳам олмадилар, ҳуқумат нафақа тайинлаганда, ўша захоти Тошкент етимхоналаридан бирига ўтказиб юбордилар.

Саховатли эдилар. «Иккита чопоним бўлса, биттасини, унда ҳам янгирогини бировга кийгизсам», деб кўп айтардилар. Карз сўраб келганларни ҳеч курук кайтармаганлар, уларнинг номларини эслаб қолиш ё ёзиб қўйиш уёқда турсин, унутиб юборардилар. Раҳмдил бўлиб, кек сакламас эдилар. Бир мисол. Ўша 1938 йил отамизни тутиб, ортларидан маузер нуқиб камокка топширган айгокчи «Уч вилоят инкилоби» вақтида қўлга тушади. Суд уни ўлимга ҳукм килиб, халойик «Алкасосу минал ҳақ» деб турган-да, отамиз авф килганлар. «Беш боласи етим колмасин, яна бунинг онаси тукканида яхши ният билан Мухаммад деб ном қўйган экан», деб далил келтирган эканлар.

«Кечирувчиларни Оллоҳ ҳам авф килгусидир», ҳадисига шундай амал киладилар..

Отамиз такдирнинг не-не синовларидан ўтиб, баракали, серунум ва мазмундор умр кўрдилар. 1976 йил Тошкентда 91 ёшда вафот топдилар. Сўнги масканлари, васиятларига биноан, Шайх Зайниддин бобо кабристони бўлди, разияллоху анху.

XX аср мазлумлари — Туркистон аҳли истиклоли, Ислом дини тантанаси йўлида килган улкн ҳолисона тарихий хизматларини ва валий каби сиймоларини халқ чуқур ҳурмат, фахр ва миннатдорлик билан ёдда тутиб келмокда.

Эсдаликларида калб титратар шундай сатрлар бор: «Мен бу дунёга исломпарастгина;

эмас, балки инсонпараст бўлиб келдим ва хаётим давомида шунга содик бўлиб колдим». Ушбу зот шонли хаёт йўллари билан танишар эканмиз, бунга иқроор бўла туриб, Алихонтўра келажаги порлок икки Туркистоннинг гурури, жасур миллий кахрамони хам эди, дегимиз келади...

Кутлугхон Шокиров — Эдикут